



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 апрел, чоршанба № 66 (1699)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**“Мехр ва мурувват йили” муносабати билан “Олтин бошоқ” хусусий корхонаси кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Яккабоғ туманидаги ушбу корхона 50та кам таъминланган оилаларнинг уларини бепул таъмирлаб берди.

- Айни вақтда иккита ўрта умумтаълим мактаб қурилиши бошлаб юборганимиз, - деди корхона раҳбари Баротхон Халилов “Туркистон-пресс” муҳбирига. - Янги ўқув йилида қурилиши якунлаб, ўша мактабларда ўқийётган 100 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан тўлиқ таъминламоқчимиз. Туманимиздаги Саҳоват уйи ҳам бизнинг оталигимизда. 20 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат туйини ўтказдик.

**“Туркистон-пресс”**

**Одам боласи кўпича ўз қувонч ташвишлари оламида яшаб, атрофидаги кишилар ҳаётига у қадар аҳамият бермайди. Худди аёзлик қишдан сўнг қушлари, гулларини ҳам табиий қабул қиламиш. Аслида ҳар бир меҳр-мурувват орасида унинг эгасининг меҳнати бор. Ўз нафсидан устун келиш учун қурашлари ва голиблиги бор. Шунинг учун бундай кишиларга: «Ҳа, кўлида бор экан, ёрдам қилибди-да» дея оқддийгина эҳтиром билан қарайман. Уларга ҳаммининг эътиборини қаратгим келади.**

... Ўртоғимнинг дадаси бир хасталикка чалинди. Фарзандлари, ака-укалари даво излаб тўрт тарафга югуришади. Айниқса, Мусо исмли укалари бир кун Хоразмда бўлса, бир кун Андижонда.

- Мусо акам Анжанга учдилар, ўшатта бир табиб чиққанмиш...

- Хоразмга кетдилар, бир профессор даданинг касалига ўхшаган касални даволапти...

- Шу Мусо акам жуда меҳрибон-да, - дейман.

Ўртоғим индамади, аммо мен бир мавридга келиб қолиб, Мусо акадан унинг қандай қилиб бу оилага келиб қолганини, келгандан кейинги мижозларини эшитдим.

... Ушанда Мусо ота-онасиз етим, ўн-ўн икки ёшлардаги бола экан. Бир кун у қариндоши, бир кун бу қариндошиникида яшаб, очин-тўкин кун кечираркан. Қаровсизлик, ит ётиш, мирзо туриш ҳаёт уни хар кўчага бошлабди. Бир кун дўконлар атрофида санжиб юрғанида эшиги очкилиги бўлиниб турган машинани кўриб қолибди. Энди ичидида магнитфонни олиб, жудфакни ростлайман, деб турса, омирдай кўй бўйиндан қисбиди: шодёр экан. Зум ўтмай хўжайини ҳам келибди.

- Э, ака, бунинг кўз

дошлари ё детдомга топширинг... Аммо Усмон аканинг оқарган рангига қон югура бошлаган болакайни яна аввалги ҳаётга қайтаргиси келмабди.

- Майли, ким нима деса, даяверсин. Мен бу болакай олдида бевурд бўлиб қолмаман. Уни одам қилиб, касбли, уйли қилиб, сўнг бўлак чиқараман, - дебди.

Дунёда нима ёмон - ҳасад-ғўйлик ёмон. Улар тинчишмабди. Турли тарафларга Усмон ака устидан юмалоқ хат ёза бошлашибди:

«Ақлоқи бузуқ, никоҳсиз бо-

## МЕҲРЛИ БЎЛИШ ҲАММИНИНГ ҲАМ ҚЎЛИДАН КЕЛМАС

ласи бор, қандай қилиб шу киши маданий бир масканга раҳбар бўлсин?» Ахйир, раҳбарлардан бири қақириб:

- Усмонжон, гап кўпайиб кетапти. Болани ростан ҳам детдомга топшириб кўя қолинг, ёрдам бериб тура-сиз... - дебди.

Аммо Усмон ака:

- Шу бола учун мени ишдан ҳайдасаларинг, ҳайдай қолинглар, - дебди...

Ариза ёзиб берибди.

Мусо ака ҳикоясининг шу жойига келганда тўлиқиб олди.

- Акам (Хоразмда отани ака дейишди) ўша ичи қораларни сўдга берса ҳам бўларди. Ахир, унинг боласи эмаслигини дарров тасдиқлаб беради-ку, дўхтирлар. Аммо акам менинг кўнглимни синдиргиси келмаган. Судма-суд, дўхтирма-дўхтир судрашми хохламаган. Шу-шу даштага чиқиб кетдик, деҳқончилик, ободончилик қилдик. Акамдан бог-роғлар қолди...

Фарзандлари, опам, қариндош-уруғлар - бари аста-секин мени қабул қилишди. Чиндан ҳам туғишгандай бўлиб кетдик. Шу хонадонда уйландим. Опам узлари совчиликка бордилар. Фарзанд кўрдим, бешик тўй, ўғил тўй - ота-оналик одам эл олдида қандай дастурхон ёзса ёзим, акам, опам бош бўлишди...

Энди бир орузм - акамни оёққа тургазим... Агар бу дунёда адолат бўлса, бир менга кўрсатган меҳр-муруввати учун ҳам акамга шифо бериши керак, - деди Мусо ака.

Аммо Усмон ака оёққа ту-

да, онаси қуйлагига тикиб берган озгина пули бор эди. Институт ётоғига бормоқчи бўлиб, автобус бекатида ўтирар эди. Бир йигит келди:

- Ака, институт ётоғига бориб ҳамшаҳарларимни топмоқчи эдим, йўлга солиб кўйинг, - деди Гулсанам... Йигитнинг исми Тохир эди, безорилиги туфайли камалиб чиққан эди, қамқондан келса онаси вафот этибди, синглиси бир харбийга эргашиб кетибди, оиласи тўзган. Тохирни «камалиб чиққан», деб ишга олишмабди. Менинг пешонамга ўғрилиқ ёзилган экан, оқдан ўлмаймакку, ахир, деб онаси, синглиси айрилиги, ўзининг омадсизлигига қасдама-қасд ўша тун «ов»га чиққан экан... Гулсанам унга «ака» дебди, бир эмас, бир неча марта «ака» дебди.

- Мен ҳам ҳаммага ўхшаган одам эканман, деб ўйладим. Ахир шу муносибона қиз ака деди-ку.

Тохир Гулсанамни уйига олиб келибди. Эрталаб институтга олиб борибди. Қўналиб бўлса-да, ҳаётини ўнглабди...

Бу воқеалар менинг ижодкорлик тасаввурим билан ўйлаб топган воқеаларим эмас, олдинлари эшитганимда шунчаки гап аввалида айтганимдай, табиий бўлди кўринганда. Энди билсан меҳр-мурувват деган оқддийгина жудф сўз орасида бутун бошли тақдирлар, қурашлар, чекиншилар, яна олға юришлар турар экан.

Демак, меҳр-мурувват ҳам катта бир жараён экан. Бу жараёнга қўшилмоқчи бўлганлар ўзини тарбиялаши, тайёрлаши керак экан.

**Кутлибека РАХИМБОВА**

### «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ - MEDICINA UZBEKISTAN-2004»

«Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш - Medicina Uzbekistan-2004» Тошкент халқаро кўргазмаси ўз иштини бошлади. Кўргазмани Британиянинг ITE Group PLC компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори - UzExpoFotma ташкил этди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Тибмаҳсулот» акционерлик жамияти кўргазмани расмий қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Ф.Назиров кўргазмани очар экан, республикамиз Президентини Ислам Каримов раҳбарлида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тақомиллаштиришга катта эътибор берилганлигини таъкидлади. Ҳамама жойда табиий муассасаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Клиник амалиётга бу технологияларни жорий этиш даражаси ва ҳажмига кўра тўққиз йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма катта ўрин тутмоқда.

Дастурда мамлакатимизнинг 50 дан ортиқ ташкилоти ва дунёнинг 17 та мамлакатидан хорижий фирмалар табиий маҳсулотлари тақдими кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, аввалги йилларда бу кўргазма табиий учун фан ва технологияларнинг ютуқларини намойиш этиш билан чекланмай, соғлиқни сақлаш ходимларининг касбий малакасини оширишга хизмат қилиб, муҳим таълимий вазифани бажарди.

Кўргазма доирасида Россия соғлиқни сақлаш соҳасининг етакчи мутахассислари иштирокида семинарлар ўтказилади. Ҳамкорлик муносабатларини ўрнаттиш ва табиий ишлаб чиқариш ҳамда бизнес соҳасидаги етакчи компаниялар билан урчулалар ўтказиш одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича устувор дастурларни бажаришга қаратилган янги ишларни амалга ошириш имконини беради.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

**(УЗА)**



Ургут туманидаги «Тонг» савдо ишлаб чиқариш корхонаси бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда икки сменада иш ташкил қилинган. Ойига 600 минг метр доқа, газлама, бўз маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда жамоада 92 нафар ишчи меҳнат қилимоқда. Уларнинг асосини хотин-қизлар ташкил этади. Ишчиларга ўртача ҳисобдан ойлик иш ҳақи 32 минг сўм. Ишловчилар учун икки маҳал иссиқ овқат, ишга келиб кетишларига автобус ажратилган.

**Суратларда: илгўр ишчилари Шохбуба Суярво, Зулфия Фозилова, Гулҳебра Облақулвалар.**

**Ғ.ХИДИРОВ** олган суратлар

## АГРОСУҒУРТА ВАКИЛИНИНГ СОВУҚҚОНЛИГИ ТУФАЙЛИ ФЕРМЕР ТОВОН ПУЛИНИ ОЛОЛМАДИ

«Ўтган йилнинг январидан 2003 йил ҳосили юзасидан туман «Агросуғурта» бўлими билан 6 гектар галла майдони учун шартнома тузиб, ихтиёрий суғурта пули тўладим», деб ёзда Навбахор туманидаги «Жаҳонгир-А» фермер хўжалиги раиси Бозорбой Нуриллаев, - Бахтра қарши йил об-хавосини деҳқончилик учун жуда нуқуллай келди. Галла экилган майдонлар юза қисмининг каттиқ музлаш оқибатида яшаб турган майсалар нобуд бўлди. Натияжада режа белгиланганидан анча кам - 4 тонна галла топширдим, холос. Айтгандай, табиий офатдан сўнг туман «Агросуғурта» бўлими бошлиғи М.Жўраев ва бошқа тегishли идора ҳамда хўжалик вакиллари иштирокида совуқ оқибатлари ўрганилиб, далолатнома тузилган. Унга асосан менга етказилган за-

рар 493 минг сўм деб боҳоланган эди. Далолатнома ва бошқа ҳужжатлар вилоят «Агросуғурта» дирекциясига юборилди.

Бу ердан эса ўз навбатида туланидан маблаг фермерлар учун ажратилган вилоят қопламасидан юқорилиги боис ҳужжатлар республика «Агросуғурта» ДАС-Кга берилди. Фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Нуриллаев қопламани узоқ кутди. Лекин натижа бўлавермагач, «Агросуғурта» туман бўлими ва вилоят дирекциясига мурожаат қилди. Нихоят 2003 йилнинг 2 декабрида вилоят дирекцияси раҳбари Р.Бахромов номиндан ажабтовор жавоб хатини олди. Мана ўша жавоб матни «Сизнинг 2003 йил 26 ноябрдаги 8-сонли хатингизга жавобан қўйилган мазмун қўламан. «Жаҳонгир-А» фермер хўжалигининг

2003 йил галла ҳосили табиий офатдан зарарланганлиги учун ҳисобланган 493 минг сўм суғурта қопламаси ҳужжатлари тўламан «Агросуғурта» ДАСК бошқарувининг тўлов комиссияси томонидан қўриб чиқилган ва қопламани тўлаш рад этилган.

«Агросуғурта» ДАСК бошқарувининг 2003 йил 9 сентябрдаги 80-сонли баённомасининг қарор қисмида «суғурта товони ҳужжатларини расмийлаштиришда ноаниқликлар борлиги учун тўлаш рад этилсин» деб ёзилган.

Уш, қайси ноаниқликлар назарда тутилган. Улар ким томонидан содир этилган. Ахир, бу ҳужжатларни фермер Бозорбой Нуриллаев эмас, «Агросуғурта» вакили махсус бланкага, тегishли конун-қондалар асосида тўлдирган-ку. Хатони агросуғурта ваки-

ли қилган бўлса, энди жабрини келиб-келиб пул тўлаган фермер тортиши керакми? Фермернинг шу ва шу сингари қатор саволлари жавобсиз қолаверди. Навбахор туман «Агросуғурта» бўлими мутахассиси (соиб бошлик) Бахромов Рўзвоннинг билдирishi хатини кўрсатилишича, туман бўлимида ҳужжатлардан нусха сақланмаган, эмиш. Шартнома ва бошқа ҳужжатларнинг нега сақланмагани, тақдирини нима бўлгани ҳақида вилоят дирекциясидагиларнинг ҳам жавоби аниқ. Республикага бериб юборилган. Масъулиятни ўзидан соқит қилиш шу даражада бориб етганки, туман агросуғуртаси руҳсатисиз жавоб беролмай-миз, дейишгача бориб етди. Қо-йиле, шартнома тузгунчаку фермерга қоп-қоп ваъдалар берган-сиз ака. Шартномани сиз туза-

сиз, хатони сиз қиласизу фермер шўрлик ҳужжатлардаги ноаниқликларни аниқлаш учун энди республика «Агросуғурта» ДАСКга бориши керакми?!

Дарвоқе, Бозорбой Нуриллаев шартноманинг бажарилишидаги конун бузилишларни бартараф этишни сўраб Навой вилоти ад-лий бошқармасига мурожаат этди. Жавоб эса қисқа бўлди. Унга республика ДАСК бошқаруви ёки вилоят хўжалик судига мурожаат қилиши тушунтирилди.

Шу орада «Жаҳонгир-А» фермер хўжалигини «Навойдонмахсулотлари» акциядорлик уюшмаси қопланмаган бўнак учун хўжалик судига берди ва фермер хўжалигидан 372411 сўм ундириладиган бўлди.

Навахор тумани бир томони очик қўл худуди билан туташиб кетган, иккинчи томони деҳқончилик қилидиган майдонлари доимо сув босиш ҳаффи бўлган ерларда жойлашгани учун табиий

офатдан доимо биринчилардан бўлиб зарар кўради. Масалан, биргина 2003 йил катта худудлардаги экинлар қучли зарарланган, шундан 776 гектар майдондаги майсалар батамом нобуд бўлган. Шу жумладан 2003 йилда 150 фермер хўжалиги талофат кўрган. Уларга етказилган жами зарар суммаси 145 миллион 350 минг сўмни ташкил этган. Биргина «Жаҳонгир-А» фермер хўжалиги кўрган зарар 1 миллион 448 минг сўм деб қайд этилган. Табиийки улар ўз ерларини хар йили ихтиёрий суғурта қилдиришади. Ўтган йиллар давомида уларга етказилган зарарнинг ҳаммаси «Агросуғурта» томонидан қоплангани бизга қоронғу. Фақат товон пули ўрнига шартнома ҳужжатларидаги ноаниқликларни аниқлолмади сарсон-саргардон қилинган Бозорбойнинг кунига ҳеч ким тушмасин...

**Ялғоқ САРИЕВ,** «Ишонч» муҳбири

### «Ишонч» фой этиди

офатдан доимо биринчилардан бўлиб зарар кўради. Масалан, биргина 2003 йил катта худудлардаги экинлар қучли зарарланган, шундан 776 гектар майдондаги майсалар батамом нобуд бўлган. Шу жумладан 2003 йилда 150 фермер хўжалиги талофат кўрган. Уларга етказилган жами зарар суммаси 145 миллион 350 минг сўмни ташкил этган. Биргина «Жаҳонгир-А» фермер хўжалиги кўрган зарар 1 миллион 448 минг сўм деб қайд этилган. Табиийки улар ўз ерларини хар йили ихтиёрий суғурта қилдиришади. Ўтган йиллар давомида уларга етказилган зарарнинг ҳаммаси «Агросуғурта» томонидан қоплангани бизга қоронғу. Фақат товон пули ўрнига шартнома ҳужжатларидаги ноаниқликларни аниқлолмади сарсон-саргардон қилинган Бозорбойнинг кунига ҳеч ким тушмасин...

**Ялғоқ САРИЕВ,** «Ишонч» муҳбири

**Ўзбекистон Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида кишлокда мулкдорлар синфини шакллантириш, муҳими бозор муносабатларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.**

Негаки, фермерлик ҳаракати республикамиз аграр тармоғининг асосий бўлиб, бозорларимиз, дўконларимиз, дастурхонимизнинг тўқинлиги уларнинг меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Андижон вилоят акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк» Шахрихон туман бўлими юқоридаги Фармон йўналишида фермер хўжалиқларига намунали молиявий хизмат кўрсатмоқда.

Зокиржон ака Сотиболдиев 4 гектарли бугдой билан елкасида кетмон билан айланган юрарди. Тиззага урай деб қолган галла майсаларининг ривожидан кўнгли тўлгандек бўлди. Бирок айрим эгитлардаги галла майсаларининг сийраклигини кўриб, тарвуз қўлтиғидан тушди. Бу экиннинг минерал ўғит билан етарли озиклантирилмагандан, ўсишдан қолаётганидан далолат эди. 6 гектарлик далада уч қўлок бўлган гўзалар ўзини тутиб олиш учун зудлик билан қатор орасига ишлов бериш пайти келганнинг фермер седи. Трактор ширкат хўжалиги юмушларидан ортиб кейин фермер экинзорига келишини ўйлаб, юраги сиқилди.

## БАНК ВА ТАДБИРКОР ҲАМКОРЛИГИ

Миссида туман «Кишлоқ-хўжалиқим» идорасидан маъдани ўғит, машина-трактор паркидан техника «ундириш» муаммоси айлана бошлади. Буларнинг ҳаммаси пул маблағларига келиб тақаларди. Ён дафтари оғиб, орасидан банкдаги кун-кеча олиб қайтган тўловномага кўз ташлади. «Супрада» арзимас маблағ қолганди...

Ана шундай ташвишлар билан боши қотиб туман деҳқон фермерлар уюмаси томон бурилди. Уюшма билан юқорида номи зикр қилинган банк битта ҳовлида жойлашган бўлиб, бир

## Бир Фармон шарофати

бизнес режа тузилди. Вилоят «Тадбиркорбанк»нинг Бўз, Улуғнор, Шахрихон туманлари бўлимлари хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда 450 та фермер хўжалиқлари банкнинг миқозлари қаторидан ўрин

яни ишона очилди. Хозирда бу ерда 6 нафар кишлоқ ёшлари ишлаб турибди. Банк маъмурияти кредит маблағларини мақсадсиз ишлаб, ишондан чиққан миқозларни қаттиқ назорат қилмоқда. Мисол учун «Мададор» хусусий корхонаси мутасаддилари гишт заводи куриш мақсадида банкка лойиҳа тақдим этди. Банкдан 2 миллион сўмлик кредит унғунча ишбилармонларнинг тилидан бол томди. Завод курилди, ишга тушди ҳам. Аммо пуллар банкка эмас, кассага оқа бошлади. Тўлов кекичи, фойзалар «болалади». Қарздорликка вилоят хўжалиқ суди нукта қўйди. Жаримаси билан 1 миллион 100 миң сўмлик қарз тўлиғича ундирилди.

олган. Фармондан келиб чиққан ҳолда, фермерларга 2004 йилнинг 1 январий ҳолатига 67 миллион 696 миң сўмлик кредит ажратилди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий хизмат кўрсатиш банк жамоасининг эътиборида. Мавжуд 566 та миқознинг 562 нафари ўрта ва кичик корхоналарнинг эгаларидир. Шу бугунга қадар, кичик корхоналар 143 миллион сўмлик кредит билан таъминланганини айтиш кифоя. Натихада аҳолини иш билан банд қилиш кўлами кенгайиб бормоқда. 125 та янги иш ўринлари яратилганлиги боиси шундан.

Банкнинг молиявий мадади билан иқтисодий ривожланиш йўлини топиб олган тадбиркорлар кўлаб топилди. Масалан, Ваҳм кишлоғида яшовчи Аҳмаджон Аҳмадалиев трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех очиб истағиди банкка наҳот излаб келди. Мутасаддилар тадбиркорнинг фаолиятини мониторингдан ўтказдилар. Ишлаб чиқариш воситалари, қимматли қоғозлари борлиги миқозга кредит қўйилмаси тўловлариди таваккалчилик хавфини пасайтириш имконияти мавжудлиги ойдинлаштирди. Банк томонидан ажратилган 5 миллион сўмлик кредит билан шу тариқа

Р.СОБИРОВ



Булоқбоши туманидаги «Антекс» очик акционерлик жамияти республикамизда дадил қад ростлаётган корхоналардан бири. Бу ерда буюртма асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эндиликда чет элларга, жумладан Россия, Хитой давлатларига экспорт қилинмоқда.

**Суратларда: корхона илгор тикувчилари Дилноза Норбоева, Феруза Абдужалилова, Уғли Ахмедова.**

И. ҲАСАНОВ олган суратлар



## САЛОҲИЯТ

**Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалиғида «Салоҳият» ёшлар марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Меҳр муруват йили» дастурини бажариш мақсадида ёшларни қўлаб-қуватлашга қаратилган кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу муносабат билан жамғарма республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалиғида ёшлар марказини ташкил эттишти.

Ушбу марказга «Файз-Барака», «Мактаб-мебел» қўшма корхонаси ва «Крокс-Люкс» хусусий фирмалари ҳомийлик қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, марказ тўрт йўналиш бўйича иш олиб боради. Бу ерда кўнглилар асосан ёшлар билан ишлайди. Унда ёшлар клиникаси ҳам мавжуд бўлиб, малакали мутахассислар аёллар ва ўсимир қизларга маслаҳат ёрдами кўрсатади. Марказ ёшларга компьютер ўқуви, бичиш-тиқиш каби бир қанча касб-хунарларни ўргатади.

Шунингдек, марказда теннис, стол теннис, футбол, волейбол ва кураш каби спорт турларига мўлжалланган спорт секциялари ҳам мавжуд.

Мазкур ёшлар марказининг мақсади, ёшларни жамиятда ўз ўринларини топишларида ёрдам бериш, уларни бир вақтларини банд этиш, уларда фидойиликни шакллантириш, аёллар ва қизларни касба йўналтириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишдан иборат.

«Туркистон-пресс»

## Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак НУРОНИЙЛАР СИҲАТГОҲЛАРДА ДАМ ОЛИШДИ

**Уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронлар ва ёлғиз қариюларга иқтисодий-таъминот хизматини яхшилаш мақсадида ҳукуматимизнинг доимо диққат-эътиборида. Айниқса, ақла-ёлғиз, муруватга муҳтож кишиларни иқтисодий химоялаш ишларига меҳор-муруват йилда янада эътибор ошмоқда. Яққабог туманида ҳам бу бордаги савоб ишлар қилдирилмоқда.**

Хозирга қадар ўзгалар ёрдамига муҳтож ва 216 нафар ногиронларга иқтисодий таъминот бўлими томонидан 16 нафар хизматчи бириктирилди, уларнинг ҳол-аҳолидан хабар олиб турилибди.

Иқтисодий таъминот бўлимининг ёрдами ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Суннатилла Юсуповнинг таъкидлашича, тумандаги ногирон, боқувчиласи йўқотган, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, болалиқдан ногирон ва ёлғиз пенсионерга барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Уларга байрамларда совға-салом ва кишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари улашिलाпти. Бундан ташқари, уларга ҳомийлар ҳам бириктирилган. Ногиронлар жамияти бўлими томонидан яқинда 10 нафар кишига дори-дармон учун маблағ ва 8 нафар ногиронга моддий ёрдам пули берилди.

Хайрли ва савобли ишларда нуруний жамғармаси туман бўлими ҳам беҳимнат хисса қўшапти. Жамғарма 25 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига Наврўз байрами муносабати билан моддий ёрдам ажратди. Ана шу кун «Сохибқирон» болалар оромгоҳига 500 нафар нуруний ва кам таъминланганлар тақдир этилиб, дастурхон ёзилди.

68 нафар нуруний иқтисодий таъминот тизими орқали «Олтиарик», «Товқосой», «Косонсой» ва республикамизнинг турли давлатлиги мақодаларида даволаниб, соғлиқларини тиклаб олдилар. Ногиронларнинг бир қисмига ҳасса, қўлтўғай ва аравачалар берилди. 6 нафар фуқарога имтиёзли равишда тиш протез қўйилди. 22 нафар ногиронга ҳар хил турдаги протез-ортопедия маҳсулотлари тарқатилди. Ёнги автоташнаси бор фуқаролардан 40 нафарига тоvon пули тўланди.

Айни пайтда ногиронлар, қаровчиси бўлмаган яққа-ёлғиз қариюлар соғлигини тиклаш, уларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш каби саховатли ишларни тадбиркорлар ҳам қўйайтирмоқда.

Х. ТўРАЕВ

## Хазорасп тумани ҳудудида Амурар ўзга бунёд этилган улкан кўприк бутун юртимиз каби Хоразм ва Қорақалпоғистонни ҳам иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, одамлар узоғини яқин қилишда, Шарк билан Ғарб ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодий ислохотлар йўлидан бораватган Хоразм вилояти юқсалишининг оидин йўлига ўтиб олди. Воҳода коммуникация тармоғини тараққий эттириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган истикболли лойиҳалар амалда татбиқ этилапти.

Республика «Бош транслоя» институти мутахассислари ишлаб чиққан тарх асосида қурилган 681 метрли замонавий кўприк мамлакатимиз коммуникация тизимини тубдан ўзгартирди. Қурилишда бунёдкорларнинг ўз касбига садоқати, маҳорати, ўзаро дўстлиги, аҳиллиги ва фидойилиги яна бир бор синавдан ўтди.

Вилоят ҳудудида қурилган кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд, соатига мингдан зиёд автомобилни ўтказиш қувватига эга. Бундай қулайлик Урганч – Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, транзит учун ҳар йили тўланганидан 1 миллион АҚШ долларини тежаш имкониятини беради.

Мамлакатимиз шимолида жойлашган қадимий воҳода ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлиғига эришиш бўйича катта ишлар қилинапти. Утган даврда яқин икки маҳсулот олднинг йилга нисбатан 3,8, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 14,5, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 7, кишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари тайёрлаш 10,5 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари 9,4 фоизга кўпайди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи» генотифининг муҳофазат қилиш хайрия жамғармаси ташкил этиш тўғрисида»ги қарори экологик муҳитни муътадиллаштириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Со-

ғлиқни сақлаш минтақавий тизимни такомиллаштириш, болалар ва аёлларнинг саломатлик даражасини ошириш, оила тиббий маданиятини, санитария-эпидемиология вазиятини яхшилаш долзарб вазифа бўлиб қолди.

Соғлиқни сақлаш Давлат дастурининг ижроси бўйича кенг

## Истиқлол берган имкон

фондлар ишга туширилди. Мавжуд 27 та қўшма корхона томонидан ички ва ташқи бозорга харидорлиқ маҳсулотлар етказиб берилаяпти.

Бир йилда 5910 ўринли 10 та коллеж, умумтаълим мактаблари, 360 квадрат метр турар-жой, 4 миң квадрат метр савдо шохобчалари, 750 ўринли умумий оқватланмиш корхоналари фойдаланишга топширилди. Сув ва таби-

сўмлик қимматли қоғозлар сотилган йўқ.

Кишлоқдаги иқтисодий ислохотлар одамларда мулкка эғалик ҳиссини шакллантиряпти. Айни пайтда жами экин майдонининг 30 фоизи ажратиб берилган. 18 та зарар қўриб ишлаётган ширкатлар ўрнида 11 миңдан ортик фермер хўжалиқлари тузилди. Янги бозор тумани эса тўлалиғича фермер хўжалиқлари айлантирилди. Фермерлар ширкатларга нисбатан яқин натижаларга эришганлигини мисоллар кўрсатиб турибди. Деҳқон фермер хўжалиқларида бир центнер галларнинг таннари ўртача 7 миң сўми ташкил этган бўлса, ширкатларда эса 9 миң сўмга тўғри келди. Пахта ҳомашеси таннари ширкатларга нисбатан 34 фоизга арзонлашди.

Урганч туманидаги С.Қаландоров, Хазораспдаги Ю.Шерзонов, Янгибозордаги «Ўзбекистон», «Хоразм», «Бўзқалъа» каби фермер хўжалиқлари уюшмаларида пахта ва дон ҳосилдорлиги 1,5-2 бараварга кўпайди. Қўшқўпри туманидаги «Нурулло» фермер хўжалиғи раҳбари Раҳимбой Нуруллоев ўта шурланган ер шариотида 100 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, пахта ва галладан катта хирмон кўтарди. Жамоада ишлаётган 60 кишининг ўртача иш ҳақи муқофотдан ташқари 30 миң сўмдан ошди.

Бугунги кунда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 253 миң киши шуғулланаяпти. Улар томонидан яқин маҳсулотнинг 41 фоизи ишлаб чиқарилапти. Бандлик дастури асосида 20 миңта ишчи ўрни яратилди.

Хоразм вилояти ер ости ва ер усти табиий захиралиғига бой. Энг муҳими, бу қадимий ва хамаш навқирон дёбири табиат қийинчиликларини мардонавор меҳнатлари билан енгиб, мўл-қўлчилик яратётган қалби Жайхўндек жўшқин фидойи инсонлари бор.

И. ИСОМИДИНОВ

**Ходимнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш давлатимизнинг амалдаги қонунларида катъий белгилаб қўйилган. Шу тўғрисида инсонларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий муаммолари ечим таъминланган. Лекин айрим ҳолларда баъзи раҳбарларнинг юзакки ёлғизлиги, мутасаддиларнинг маъсулиятсизлиги оқибатида олдйўналиш мақсадаги йиллар давомида ҳал этилмаган келинмоқда.**

Самарқанд вилоятининг собик Челақ, ҳозирги Пайариқ туманида хўжалиқлараро мелиоратив станция бор эди. Абдусамад Узоқов ана шу ташкилотда ишларди. 1979 йилда унинг бошқарувидаги трактор ёниб кетди. Фалокат оқибатида А.Узоқов Ё. гуруҳ ногиронли бўлиб қолди. Уша вақтда унинг ёнида бўлган қизи жароҳат туфайли вафот этди. Меҳнат жараёнидаги бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган жароҳат учун А.Узоқовга тегишли тўловлар белгиланди ва бир неча йил улусқиса амалга оширилди. 1995 йилда ММС ташкилоти туман ҳокими-

нинг қарорига асосан транспорт хизмати кўрсатиш бўйича маъсулият чекланган жамиятга айлантирилди. Орадан уч йил ўтиб, мазкур МЧЖ фаолияти ҳам туман ҳокими қарорига мувофиқ тўхтатилди. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам А.Узоқовга тегишли нафақа ва тоvon пуллари бундан кейин қайси ташкилот томонидан тўланиши ҳал қилинмади.

Турли идораларга мурожаат қилиб бирор натижага эришмаган А.Узоқов 1999 йилда судга ари қилди. Бирор ишчи шошшошарлик, юзакчилик билан қўриш натижасида дастлаб Челақ туман суди, кейинчалик фуқа-

## Таажжуб! НОГИРОННИ ҚЎЛЛАШ ШУНЧАЛАР ҚИЙИНМИ?

ролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди Челақ туман кишлоқ ва сув хўжалиқ бошқармасини жавобгар деб топди. Лекин аслида бундай эмасди. Ниҳоят, ФИБ Иштихон туманлараро суди 2003 йил 6 октябрдаги мажлисда А.Узоқовга тоvon пулини тўлаш керак бўлган ҳақиқий жавобгарни аниқлаб берди.

Бундай чалқашликнинг, масала ечими чўзилиб кетишининг асосий сабабчиси туман ҳокимлигидир. Чунки ташкилотнинг мулкчилик шакли ўзгарилаётган ёки у тугатилган пайтда энг биринчи галда иш ҳақидан, нафақалардан қарздорлик

масаласи ҳал қилиниши, ҳодимларни иш билан таъминлаш чоралари қўрилиши керак эди.

Яна бир ажабланишли ҳолат. Суднинг охири аниқ-пукта қарори қабул қилинганга олти ойдан ошган бўлишига қарамай, Пайариқ туман «Кишлоқхўжалиқим» корхонаси раҳбари Ш.Хушвақтовнинг бундан хабари йўқ эмиш. У суднинг бу қароридан норози бўлиб, касса-чи тартибиди шикоят қилиш ниятида ақалигини билдирди. Чунки ММС ташкилоти МЧЖга айлантирилган, МЧЖ тўхтатилиб, мол-мулки (бинолари) ўсимликларни химоя қилиш марказига берилган.

Натижада бу марказ «Кишлоқхўжалиқим» корхонасига қўшилиб кетган. Меҳнат жараёнида ногирон бўлиб қолган А.Узоқов эса қарийб ўн йилдан бери ўзига қонуний белгиланган нафақа пулларини ололмади сарсон саргардон.

Афсуски, суд қарорининг ижроси ҳам жуда кекичиб кетаяпти. Нимага деганда, Адлия вазирлиғи ҳузуридаги суд қарорларининг ижро этиш департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими (Пайариқ тумани бўйича) мутасаддилари сусткашлик қилишапти.

Р.КУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

## “ЯНГИ АВЛОД”ДА

Қашқадарёда «Янги авлод» нодавлат-нотижорат жамғармаси иш бошлади. Мазкур жамғарманинг асосий мақсади вилоят ёшларини мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этишга қарийб ўн йилдан бери ўзига қонуний белгиланган нафақа пулларини ололмади сарсон саргардон.

«Янги авлод» нодавлат-нотижорат жамғармаси иш бошлади. Мазкур жамғарманинг асосий мақсади вилоят ёшларини мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этишга қарийб ўн йилдан бери ўзига қонуний белгиланган нафақа пулларини ололмади сарсон саргардон.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йигирмата суғурта муассасаси орасида «Ishonch» банклараро суғурта компаниясининг ўз ўрни бор. Компания ўз фаолиятини, асосан, республика банк тизими ва унинг инфратузилмасини комплекс суғурта химоя қилишга қаратган. У банклар мол-мулкни ва тадбиркорлик таваккалчилигини, ходимларнинг касб маъсулиятини ва бахтсиз ҳодисалар-

дан ҳаётини, пластик карталар ва гаровга қабул қилинаётган мулкни суғурталаш бўйича хизмат кўрсатади.

Молиявий таваккалчиликни суғурталаш банклар томонидан тадбиркорликка оид турли лойиҳаларни кредитлаш имконини янада ошириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда қўл келмоқда. Банкларнинг ўз миқозлари олдиданги мажбурияти ҳам алоҳида суғурта тури асосида ишончли кафолатланмоқда. Шу кунга қадар миқозлар билан 840 шартнома имзоланиб, уларга саксон миллион сўмлик турли суғурта хизмати тақдим этилди. Амак қилиб турган мажбуриятларнинг умумий миқдори эса 25,5 миллиард сўмдан ошди.

«Туркистон-пресс» (ЎЗА), «Ишонч»

# «ИШОНЧ» ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНАСИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради



**САВОЛ:** Мен 1974 йил Андижон Давлат тиббиёт институтини тамомлаб, 1975 йил 22 июлдан Бухоро вилоят касалхонасида врач-терапевт лавозимда интернатура ўтаган эдим. Шу бир йиллик врач-интерн лавозимдаги иш стажим имтиёзли иш стажига қирадими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Э.БОЗОРОВ,**  
Бухоро вилояти

**ЖАВОБ:** Тиббиёт институтини тамомлаган ҳар бир шахс 1998 йилгача Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган соғлиқни сақлаш муассасаларида бир йиллик интернатура ўташи шарт эди. Шу сабабли институтни тамомлаганларга Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан бир йиллик интернатура ни ўз мутахассислиги бўйича ўташи учун йўлланма берилган. Улар йўлланма бўйича кўрсатилган муассасада интернатура ни албатта ўтаганлар. Масалан: врач-терапевт, врач-педиатр, врач-хирург ва шу каби лавозимларда ишлаганлар. Интернатура ўтаган врачлар йиллик меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда тасдиқланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12-майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сон рўйхат VIII-қисм бўйича имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблашда уларнинг врач-терапевт бўлиб ишлаган-интернатура ни ўтаган бир йиллик иш даври қўшиб ҳисобланади.

## Саволларингизга ТДЮИ хўжалик ва ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси Гулнора Муродова жавоб беради

**САВОЛ:** Касб касалликлари рўйхатига қандай зарар билан боғлиқ бўлган касалликлар қиради.

**А.ТОҶИЕВ,**  
Чироқчи тумани

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сонли қарорининг 6-иловасида «касб касалликлари рўйхати» кўрсатилган:

1. Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;
2. Саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;
3. Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;
4. Аллохиди аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши туфайли келиб чиққан касалликлар;
5. Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;
6. Кимёвий синтетик

моддалар (шу жумладан, пестицидлар) дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

7. Иш жойида концеро-ген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Касбий касалликка нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг колдликлари ва асоратлари ҳам қиради. Рўйхатда маълум зарарнинг таъсир қиладиган шароитда қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини тиббиёт-меҳнат экспертиза комиссиялари касалликни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларни ўрганиш асосида ҳал қиладилар.

**САВОЛ:** Қонунга мувофиқ қайси жисмоний шахслар ер солиғидан озод этиладилар.

**К.СОТИМОВ,**  
Оққўрғон тумани



**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-моддасига асосан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

- 1) айлов чорвачилигининг чўпонлари, йилкибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;
- 2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва қатнашчилари;
- 3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанго-

вар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибиде ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йўналишига қақчиланган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақчиланган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари – хизмат муддатида;

5) I ва II гуруҳ ноғиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ еш тутқунлари, Чернобил АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

## СУД аввало ҳақ-ҳуқуқимиз ҳимоячиси

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар судлар томонидан жамият ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда тарафларнинг ҳақиқий тенглиги ва ўзаро тортишча олиши учун шароит яратиши, айниқса, иқтисодий соҳада содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли тарзда енгиллатиш имкониятини таъминламоқда.

Бу ўзгаришлар асосида одамларнинг судларга фақат жазоловчи эмас, балки аввало инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора, деб қарашини шакллантириш турибди.

Суд амалиётида кредит-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш натижасида фуқаровий даъвогар судланувчи билан ярашганлиги туфайли ишни тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилганида, ишни тугатиш ҳақидаги ажримлар қўлланилмоқда.

Масалан, айбланувчи Ширинбек Асилбеков 2004 йил 29 февралга ўтар кечаси ўзганинг мулкини ўғирлик йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида Гагарин шаҳрида яшовчи фуқаролар Ботир Наврўзов, Марат Пердабоевларга тегишли икки дона «PHILIPS» русумли антеннани олиб кетаётган вақтда уй эгалари томонидан ушланди.

Ш.Асилбеков бу жиний ҳаракатлари билан ўЗР ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Суд жабрланувчилар Б.Наврўзов ва М.Пердабоев томонидан берилган ярашув тўғрисидаги аризаларни атрофликча ўрганиб чиқди. Ш.Асилбеков ўз айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, қилмишидан чин кўнглидан пушаймон эканлиги, унинг муқаддам судланганлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олиб, суд уни жиний жавобгарликдан озод қилди.

Айбланувчи Нурғали Қумисов эса ўзининг жиний ҳаракатлари билан ўЗР ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Фуқаровий даъвогар И.Алиимбеков, Н.Қумисов билан ярашгани учун айбдорга нисбатан маъжуд бўлган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Хуллас, туман жиний ишлари бўйича суди жорий йилнинг ўтган даврида шу тариқа 8 та ишни мазмунан кўриб чиқиб, ижобий ҳал этди.

**Анвар ХўЖАНАЗАРОВ,**  
Мирзачўл тумани жиноят ишлари бўйича суд раиси



## Саволингизга ТДЮИ ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

**САВОЛ:** Тадбиркор оилаларга банкдан кредит олишда бирор имтиёз борми?

**Б.ҚОДИРОВ,**  
Бухоро вилояти

**ЖАВОБ:** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Макро-иқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк бошқармаси, товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси томонидан 2002 йил 10 майда 23, 59,2-09/3, 217-В, 324-сонли қўшма қарори билан «Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жамғармаси кредити ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклар томонидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Ушбу низомнинг 5-бандига мувофиқ оилавий тадбиркорликни

биттасининг ҳисобига пенсия жамғармасига ажратмалар тўлайдиган оилавий тадбиркорлик субъектлари эгадирлар. Бундай микрокредит олишда бирламчилик ҳуқуқига аҳолини ижтимоий заиф қатламлари ҳисобланган оилалардан: - кам таъминланган, кўп болали ва етим болаларни ўз қарамоғига олган оилалар;

- ўз таркибиде ноғиронлар, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга дучор бўлган ва бошқа ижтимоий заиф гуруҳлар қаторига кирган шахслари бор оилалар эгадирлар.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига берилади-

рак. Оилавий тадбиркорлик субъектларига Микрокредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- қорамол, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва аралаш ем, минерал ўғитлар, уруғлар ва кўчатлар сотиб олиш учун;
  - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун;
  - бевосита халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун.
- Бундай микрокредитлар гаровсиз асосда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қаторига кирган шахсларга бўлган муддатга берилади.

## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ:** Мен мактабгача таълим муассасасида 1973 йилдан 1980 йилгача тарбиячи ва 1980 йилдан 1999 йилгача методист (услубчи) бўлиб ишлаганман. Менга компенсация тўланмапти, шу тўғрисида?

**У.МИРЗАЕВ,**  
Жиззах вилояти

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб йўл-йўл коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидагиларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлана бошланди:

- барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;
- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;
- педагогик маълумотга эга меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари ўқув ва маънавий-

маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларига;

- педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

- педагогик маълумотга эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистлари-

рифий ишлар бўйича директорларига, филиалларнинг директорлари ва ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

- юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик стажини 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади.

Амалдаги қонунчиликка биноан мактабгача таълим муассасалари методистларига компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган.

## Внимание акционеров ОАО «TURON SANATORIYASI»

Годовое общее собрание акционеров состоится 22 мая 2004 года в 10-00 утра в клубе ОАО «TURON SANATORIYASI» по адресу: г.Ташкент, ул.Устабаева 159

### ПОВЕСТКА ДНЯ

1. Утверждение годового отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2003 года.
2. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2003 год.
3. Утверждение аудиторского заключения, отчета ревизионной комиссии по результатам проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «TURON SANATORIYASI» за 2003 год.
4. Утверждение распределения прибыли за 2003 год.
5. Утверждение бизнес-плана на 2004 год.
6. Утверждение решения о проведении аудиторской проверки, аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг на 2004 год.
7. Утверждение Положений «Об общем собрании», «О наблюдательном совете», «Об исполнительном органе» и «О ревизионной комиссии».

8. Выборы Наблюдательного совета.
9. Пролонгирование договора о найме Председателя Правления общества
10. Выборы Ревизионной комиссии

Данные бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков подтверждены аудиторской организацией ООО «VOJIB-AUDIT» (лицензия Минфина №00417 от 15.04.2002 года).

Регистрация акционеров начнется в 9-00 часов. Акционерам иметь при себе паспорт, а представителям акционеров - паспорт и доверенность, заверенную нотариально.

Информация о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО «TURON SANATORIYASI» Порядковый номер сообщения - 07

Наступление даты закрытия реестра: 16 апреля 2004 года наблюдательный совет ОАО «TURON SANATORIYASI» принял решение о дате составления списка владельцев ценных бумаг.

Список акционеров составляется по состоянию на 22 апреля 2004 года.

### Бухгалтерский баланс за 2003 год.

Актив баланса	Пассив баланса
Основные средства	Уставной капитал
Износ	Добавленный капитал
Остаточная стоимость	Резервный капитал
Капитальные вложения	Нераспределенная прибыль
Производственные запасы	Целевое финансирование
Денежные средства	Расходы будущих периодов
Дебиторская задолженность	Кредиторская задолженность
ИТОГО	

### Финансовые результаты за 2003 год

Объем оказанных услуг	929308,6
НДС	3034,3
Производственная себестоимость	676508,0
Административные расходы	16598,0
Прочие расходы	151546,7
Прибыль до уплаты налогов	81621,6
Налог на прибыль	26885,7
Чистая прибыль	50357,0

Наблюдательный совет ОАО «TURON SANATORIYASI».

## ЗАО «ШАХТАКУРУВЧИ»

Извещает о проведении годового общего собрания акционеров 20 мая 2004 года в 10.00 по адресу:

г.Ташкент, ул.Наккошлик дом №2.

Начало регистрации - в 9-30час.

Реестр акционеров закрыт в день регистрации Устава в Чиланзарском Хақимияте 5 января 2004 г.

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**  
1. Отчет Наблюдательного Совета о проделанной работе за

отчетный 2003 г.

2. Отчет председателя правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества. Итоги выполнения бизнес-плана за 2003 год, утверждение бизнес-плана на 2004 год.

3. Отчет ревизионной комиссии акционерного общества и итоги аудиторской проверки достоверности финансовой отчетности общества за 2003 год.

4. Утверждение годового бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков общества. Утверждение исполнения сметы

расходов общества и сметы на содержание аппарата управления. Распределение прибыли.

5. Внесение изменений в состав правления общества.

6. Внесение изменений, дополнений Устава ЗАО «Шахтакурувчи».

7. Внесение изменений в состав Наблюдательного Совета и ревизионной комиссии.

8. Принятие решения об утверждении аудиторской организации и предельного размера оплаты их услуг на 2004 г.

9. Разное.

**Бухгалтерский баланс ЗАО «Шахтакурувчи» на 01.01.04г. Данные подтверждены аудиторской фирмой «Ориентал-аудит», лицензия №00182 от 04.09.2001г. выдана Минфином РУз.**

Наименование статей	Актив	Пассив
1. Долгосрочные активы	25656	-
2. Текущие оборотные активы	105436,5	-
3. Собственные источники средств в т.ч. уставной капитал	-	83420,7
дополненный капитал	-	23685
нераспределенная прибыль	-	41319
4. Обязательства	-	18416,7
Баланс	131092,5	47671,8
		131092,5

### Отчет о финансовых результатах

Показатели	Доходы	Расходы
1. Получена чистая выручка	250137,9	-
2. Административные расходы	-	32194,9
3. Прочие операционные доходы и расходы	12502	17033,4
4. Прибыль до уплаты налога	11580,6	-
5. Налог на прибыль	-	5683,2
6. Прочие налоги	-	578,2
7. Чистая прибыль	5319,2	-

Наблюдательный совет

Утерянные патта серии MSN№778349 MSN№778350 выданные ТНИ М.Улугбекского района на имя инспектора Бобомуродова Зафара считать недействительными

# МУВАФФАҚИЯТГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАЙДИ

**Соғлом, баркамол авлоднинг вояга етиши ҳар бир миллатнинг ёрқин келажак ҳисобланади. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган муайян сазой-ҳаракатлар ёшлар тарбиясида муҳим ўринни эгаллайди.**

Касаба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашга оғишмай эътибор бериб келапти. Шаҳар ва туман марказлари, қишлоқ ва овулларда янги спорт иншоотларининг вужудга келиши ёшлар камолотига кенг йўл очди.

Айни пайтда республикада 314 та маҳалла кенгаши, 763 та ўрта мактаб, 3 та академик лицей ва 69 та коллеж бўлиб, уларда 398 минг 836 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётди. 440 та спорт зали, 3 мингта спорт майдончаси, 2 та ёпик бассейн, 33 та ёш спорт мактаби ишлаб турибди. Болалар спортнинг 23 тури бўйича мунтазам шуғулланмоқда.

Оролбўйида 151 минг 500 нафар йигит-қиз жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилган. Янгидан 271 та спорт секцияси очилди, 8126 нафар ўғил-қиз жалб этилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими ҳисоб рақамига ҳомий ташкилотлардан 230 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди. Маблагнинг 165 миллион сўми моддий базани мустаҳкамлашга сарфланди.

Республика марказида Қорақалпоғистон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, талаба-ёшлар кураш федерацияси президенти Бахтиёр Қўчқоровнинг ташаббуси билан 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, болалар спорт саройи барпо этилди. Нукус шаҳрида замонавий Олимпия заҳиралари коллежи бунёд этиляпти. Қорақалпоғистон Республикаси Вазиранинг кенгаши томонидан тасдиқланган 2003-2005 йилларга мўлжалланган дастур бўйича 55 та янги спорт майдончаси қурилиши, 30 тасида таъмирлаш, 5 тасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши керак. Бу йил 17 та спорт мажмуаси қурилади, 16 тасида таъмирлаш

миз шарафини ҳимоя қилиш аяпти.

Касаба уюшмалари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлашга 23,5 миллион сўм маблағ ажратилди. 3 миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва кийимлари сотиб олинди.

Қорақалпоғистон катта республика учун бу етарли эмас, албатта. Жисмоний маданиятни ошириш соҳасида ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Бўзатов, Шуманай, Қонлиқўл, Мўйноқ туманларидаги спорт иншоотлари талабга

ишлари олиб борилади.

Тўртқўл туманининг «Кўкча» овулида 365 нафар бола спортнинг 6 тури билан шуғулланадиган спорт мажмуи, теннис корти фойдаланишга топширилди. Мангит шаҳрида лойиҳа қиймати 152 миллион сўмлик янги спорт мажмуаси қад кўтарди. Бундай ибратли ишлар Эллиқалъа, Беруний, Хўжайли туманларида ҳам амалга ошириляпти.

Жисмоний тарбия ва спорт касаба уюшмалари фаолиятининг ажралмас қисми. Жамиятимиз томонидан ўтган икки йил мобайнида ўнлаб спорт усталари ва усталикка номзодлар тайёрланди. Оғир атлетикачи Б.Нуруллаевга спортдаги муваффақиятлари учун «Ўзбекистон фитхори» фахрий унвони берилди. Халқаро мусобақаларда голиблик гаштини сурган курашчи Озод Гашиев, оғир атлетикачи Максим Пешин, оғир атлетикадан икки марта Ўзбекистон чемпиони Баҳром Мендебоев, мамлакат мусобақаси голиблари Сейдмурод Шарипов, Саломат Дўстназаровлар шулар жумласидан.

Адилбой Айтмуродов, К.Осмоналиева, Бебут Сулаймонов, Б.Ибрагимов, Ренат Дуйсиев кабилар бир неча бор кураш мусобақаларида голибликни эгаллаган бўлсалар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Алиқ Погаев республика чемпиониликни қўлга киритди. Пулат Оразимбетов Тожикистон, Хиндистон ва Туркия мамлакатларида ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринни эгаллади.

Меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида ўтказилган Тўмасис спорт ўйинлари халқимиз миллий кадриятларини тиклаш йўлидаги ҳаракатларнинг давомидир. Тўртқўл, Кегайли, Чимбой, Амударё туманларида миллий спорт ўйинларини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Спорт жамиятимизда камол топган элликдан ортиқ ёшлар республика терма жамоалари сафида мамлақати-

жавоб бермайди. Олис овуллардаги мактабларда жисмоний тарбия муаллимлари, мураббий-ўйриқчилар етишмайди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий базаси қашшоқликча қолапти. Касаба уюшмалари республика кенгаши мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларини кўрмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор янада кучайтирилиб, фарзандларимизнинг соғлом ўсиб-унилари учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берилса, маҳоратли спортчиларнинг майдонга чиқиши учун имконият яратилади.

**А.ДИЛМАНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси



# КАМОЛОТ ЙЎЛИ

**Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қай-қуришимиз, курашмоғимиз зарур.**

**Ислон КАРИМОВ**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ


## БИЗНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАН

Нукусда қад кўтарган болалар спорт саройи ҳамиша гавжум. Ҳозирги замон меъморчилиги андозлари асосида қурилган мухташам қошада спорт билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бораёпти. Эндиликда 500 дан ортиқ йигит-қиз спорт секцияларида иштирок этаёпти.

Таҷрибали мураббий С.Юсупбеков, Б.Жиянмуродов, С.Юсупов, Р.Холиқов, Л.Бекмуродовлар ёшлар эркин ва белбоғли кураш, дзю-до, самбо, таэквондо, тайбокс каби спорт турларини кунт билан ўргатишяпти.

Жисмоний машқлар инсонга бардамлик бағишлайди. Ёшлигимдан дзю-до кураши билан шуғулланаман. Маҳоратимни ошириб бораёяман. Ҳамюртим Тўри Самедов ва М.Болтаниёзовларнинг куч ва маҳорати ўлкамиз полвонларининг доврўғини оламга ёйди. Спорт саройида машғуллотлар аниқ режа асосида олиб бориляпти. Ҳомий ташкилот «Қорақалпоқсавдо» уюшмаси раҳбари Бахтиёр Қўчқоровнинг қўллаб-қувватлаши туфайли ҳар бир ўғил-қизнинг жисмоний чиниқиши учун қулайликлар мўжайё этилган.

**Гулмира ҚАНИЕЗОВА,**  
дзю-до бўйича республика чемпиони



## «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» ТАЭКВОНДОЧИЛАРИ

Тадбиркор Гулора Шомуродова ва турмуш ўртоғи Фарҳод Мадаминовлар хомийлигида Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи»да ёш таэквондочилар тўғараги иш бошлаган эди.

Тинимсиз машқлар, мақсад учун дадил интилиш натижасини кўрсатди. 25 нафар ўғил-қиз катнашган тўғарагимизда ҳар бир машғулот кўтаринки руҳда ўтади. Болаларнинг руҳи тетик, кайфияти баланд. Тарбияланувчи Руслан Эшмуродов Жиззах ва Тошкентда ўтказилган ўсмирлар мусобақасининг голиби бўлди. Яна бир катнашчимиз Алина Абушаева таэквондо бўйича уч марта Қорақалпоғистон чемпионлигини қўлга киритди.

Ўн икки ёшли Илҳом Куденов ва Жена Нолеватовлар кумуш медал соғирдорлари. Машғуллотлар олиб бориладиган спорт зали керакли анжомлар билан жиҳозланган. Мусобақа голиблари ҳомийларимиз томонидан рағбатлантириб борилади. Мураббийнинг ойлик маошини тўлашни «Гулора» хусусий фирмаси ўз зиммасига олган.

Спортнинг мураккаб тури ҳисобланган таэквондо билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бораёпти.

**Станислав СОН,**  
ёшлар мураббийси, таэквондо бўйича қора белбоғ соҳиби



## Фахр ПОЛВОН ҚИЗНИНГ ДОВРУҒИ

**Мангитдан чиққан полвонлар Феруза Хайтембетова билан Зулхўжа Худоброғларнинг доврўғи мамлақатга ёйилган. Жаҳон ва Осиё турнирларида совринли ўринларни эгаллаган қорақалпоқ қизлари республикамиз байроғини халқаро турнирларда бир неча бор кўтариш шарафига мўяссар бўлишган.**

Ўн олти ёшли Шахло Исқандарова юртдошлари изидан бориб, иқтидорли спортчи сифатида танилган. 1998 йилдан бери миллий ва дзю-до кураши сирларини пухта ўрганиб келаёпти. Мураббий Баҳром Қурбонниёзов спортчининг маҳоратини ошириш йўлида тинмай изланмоқда. Республика терма жамоасига қабул қилинган Шахло республика ва мамлакат бўйича ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда совринли ўринларни эгаллади. «Маҳалламиз полвонлари» беллашувларида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ёш курашчи Шахло Исқандарованинг қалбида орзулари бисёр. Халқаро мусобақаларда голибликни эгаллаш учун маҳоратини ошириб бораёпти.

**Ж.КАЗОҚОВ,**  
Амударё туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори



## Эркин кураш УСТОЗ РУҲИН ШОД ЭТИБ

Нукусдаги Олимпия заҳиралари спорт мактабида эркин кураш бўйича Оролбўйининг машҳур полвони Баҳром Бекимбетов хотирасига бағишланган республика турнири бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 200 га яқин полвонлар катнашган хотира турни-

рида юқори натижалар қайд этилди. Турли вазнлар бўйича Д.Жуманиёзов, С.Айимбетов, Е.Қодиров, Е.Ерекеев, У.Тилагенов, А.Шаранидзе, В.Воробьев биринчи, И.Алиев, В.Машаринов, Қ.Жуманиёзов, В.Ли, Б.Сулаймоновлар иккинчи ўринни эгаллашди.

## Кураш ҲАҚИҚИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

Болалар спорт саройида кураш бўйича 1986-1987

йилларда туғилган йигит-қизлар ўртасида уюштирилган мусобақа ҳақиқий спорт байрамига айланди.

Навқирон полвонлардан амударёлик Фарҳод Ҳазратов, Ойбек Бозорбоев, Кегайлидан Рустам Урозов, кўнғиротлик Турғунбой Тилеубоев, Қонлиқўлдан Абдуғани Абдурашидов, нукуслик Азамат Бекжоновлар ўзларининг рақибларидан анча кучли эканликларини намойиш қилишди. Қизлар орасида Нуржамол Сейтбоева, Жадира Шектибоева, Незигул Ембергенова, Шахло Исқандарова, Ойимгул

Алламуродовларга етадигани бўлмади.

## Бокс ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Кўнғирот туманидаги санот-транспорт касб-хунаро коллежида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси Бекбергенов Қурбоннов соврини учун 1985-1986 ва 1987-1988 йилларда туғилган ўсмирлар спортнинг бокс тури бўйича куч синашди.

Мусобақаларда мамлақатимизнинг барча вилоятлари вакиллари иштирок этишди. Қизгин курашлар остида ўтган мусобақаларда кўнғиротлик А.Ҳабибуллаев, Жиззахдан О.Оқиллов, ангреник И.Кулжонов, А.Толибжонов, Хоразмдан М.Жуманиёзовлар голиблар сафидан ўрин олишди. Голибларга Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, туман ҳокимияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Саҳифани тайёрловчи: **Иззат ҲИҚМАТ,** «Ишонч» махсус муҳбири

## МАМУТ ОТАНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Олтими беш ёшли қаршилаган Мамут ота Хонгелдиев 42 йилдан бери спортчи ёшларни етиштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кўп йиллар мобайнида Қорақалпоғистондаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўқитувчи, директорлик лавозимларида ишлади. Унинг ташаббуси билан 1985 йилда Хўжайли педагогика билим юртида жисмоний тарбия бўлими иш бошлади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол ва билимли кишилар қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган, - дейди спорт фахрийси Мамут ота. - Билим юрти коллежга айлантирилган, талабаларни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўқув муассасасининг жисмоний тарбия бўлимида 381 нафар ўғил-қиз билим олаёпти. Мураббийлик гуруҳида 120, жисмоний тарбия муаллимлари тайёрлаш гуруҳида 261 нафар бола шуғулланмоқда. Уларга 20 нафар олий маълумотли мураббий ўқитувчи таълим-тарбия бераёпти.

Коллежда спортнинг кураш, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, футбол, бокс, шохмат, шаҳка каби спортнинг 13 тури бўйича машғуллотлар ўтказилаёпти. Талабалар орасидан М.Утамуротов, Р.Дўстниёзова, К.Хўжаниёзов каби моҳир енгил атлетикачилар етишиб чиқди. Бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда коллеж талабалари — Э.Жиянбоев, М.Шайманов, Б.Бўстоновлар фаол катнашиб, голиблар сафидан ўрин олдилар.

Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида Қорақалпоғистон терма жамоаси сафида коллежамиз ўқувчилари иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаганлигидан фархланимиз. Кекса ва таҷрибали мураббий Мамут отанин шогирдлари бугунги кунда Оролбўйи спортини ривожлантиришга камарбаста бўлишяпти.

**Мурот БОЙБУСИНОВ,**  
Хўжайли педагогика коллежи директорининг жисмоний тарбия ишлари бўйича ўринбосари

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс  
ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимҳўжаева, Мазмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.45

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерда терилди ва саққиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотува эркин нархда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона маънавий: «Буюқ Тўрон» кўчаси, 41-уй.